

Milliy va umuminsoniy g'oyalarni tarannum etgan buyuk siymo

Азим Тошкентнинг марказида ташкил этилган Адиблар хибони халқимизга муносиб ҳаёда бўлди, десак муболага эмас. Бу масканда адабиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшган бир қатор улуг сиймоларнинг ҳайкаллари ўрин олган. Улардан бири улуг аждодимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳайкалидир.

Улуг шоҳ ва шоир Бобурнинг қолдирган илмий-адабий мероси нафақат халқимиз, балки дунё тамаддунига қўшилган муносиб ҳиссадир. Бу борада сўз кетганда, биринчи навбатда, унинг "Бобурнома" асари тилга олинади. Шубҳасиз, Бобур асарларининг энг машҳури ва дунё бўйича кўп тадқиқ этилгани ҳам ушбу мемуардир. Гарчанд, муаллифнинг ўзи уни "Вақоийеъ" ("Воқеалар") деб атаган ва асар саҳифаларида бот-бот ушбу номни такрор этган бўлса-да, у "Бобурнома" номи билан танилган. Бунга сабаб Бобуршоҳнинг набираси Акбаршоҳнинг кўрсатмаси билан китобнинг форс тилига қилинган илк таржимаси шундай аталганидир. Кейинчалик дунёга ҳам кўпроқ маъқул форс тилидаги таржималари ёйилиб кетгани боис, асар ушбу ном билан машҳур бўлади.



МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҒОЯЛАРНИ ТАРАННУМ ЭТГАН

БУЮК СИЙМО

Илганишлар шуни кўрсатдики, айнан форс тилидаги "Бобурнома" кўләзмалари дунё фондларида ўттиздан ортиқ бўлгани ҳолда, аслият — туркий (ўзбек) тилдаги нусхалари 17 айдан ташкил қилган.

Умуман олганда, Бобурнинг фанга маълум беш асари ("Вақоийеъ", "Девон", "Аруз рисоласи", "Мубаййиъ" ва "Волидия рисоласи") кўләзмалари дунёнинг Лондон, Париж, Истанбул, Элфинстон, Нью-Йорк, Вашингтон, Санкт-Петербург, Техон, Хайдаробод, Исломобод, Тошкент, Боку, Душанбе каби шаҳарларидаги китоб хазиналарида сақланмоқда.

Шубҳасиз, дунё олимлари Бобурни нафақат ўз даврининг катта сиёсий арбоби ва улкан империя асосчиси, балки маъқул асарлари сабаб кенг миқёсдаги қомусий аллома сифатида ҳам тан олишади.

"Вақоийеъ" XV аср охири ва XVI асрнинг ўттиз йиллигидаги Мовароуннаҳр, Эрон, Афғонистон ҳамда Ҳиндистон тарихига оид энг муҳим фактларни берувчи тарихий асар бўлиши билан бирга, ўша давр ва халқлар этнографияси, маданияти, адабиёти, мамлакатларнинг географияси, ҳайвонот ҳамда наботот (ўсимликлар) олами ҳақида ҳам муфассал маълумот берувчи уникал ёдгорлик сифатида эътироф этилади. Эндликда эса ушбу асар ўз даври сиёсатшунослиги, жамиятшунослиги ва ҳатто психологиясини ўзидан акс эттирган муҳим манба сифатида ҳам ном қозонмоқда. Шу кунга қадар у жаҳоннинг йигирмадан ортиқ тилларига таржима қилинди. Илмий зарурат тақозосига кўра, асар инглиз тилига тўрт бор, француз тилига икки бор, форс тилига уч бор ўтирилган. Илмий кўлами боис эндликда унинг таржима ареали ҳам тобора кенгайиб бормоқда.

Бобурнинг ҳассос шоир сифатидаги қиёфасини лирик шеърлари жамламаси "Девон" кўрсатиб берса, унинг улкан адабиётшунос-назариятчи олимлигини "Аруз рисоласи" исбот этади. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг насрий битилган "Волидия рисоласи"нинг Бобур томонидан назмда эркин қилинган таржимаси эса унинг нафақат моҳир таржимон, балки тасавуф илмидан чуқур хабардор эканлигини ҳам исботлайди.

Нисбатан кам ўрганилган "Мубаййиъ" ("Нурлар") асари эса Бобурни улкан филолог — мусулмон қонуношунослигининг билан-

дон сифатида кашф этишга сабаб бўлган мулаққат нодир асардир. Ушбу асарнинг тўлиқ номи "Мубаййиъ дар фиҳр бўлиб, ислом динининг беш рўқонини мукаммал суръатда бадийий йўл билан назмий усулда шарҳлаб берилгани боис акралаиб туради. Бобурганча ва ундан сўнг ҳам айнан шундай асар туркий адабиётда бошқа яратилган эмас. Муаллиф уни фарзандлари — Ҳумоюн ҳамда Камрон мирзога бағишлаган. Аслида ўзидан кейин мамлакатни бошқарувчи ушбу икки валиаҳди мисолида Бобур бутун миллатнинг эътиқоди соф, ақидаси рост, иймони мукаммал бўлишини маъқул асар орқали орзу қилган эди.

“Шубҳасиз, дунё олимлари Бобурни нафақат ўз даврининг катта сиёсий арбоби ва улкан империя асосчиси, балки маъқул асарлари сабаб кенг миқёсдаги қомусий аллома сифатида ҳам тан олишади.”

Шу ўринда бир қизиқ жиҳат: Ҳиндистоннинг Рампур шаҳридаги Ризо кутубхонасида сақланувчи Бобур девонининг кичик кўләзма нусхаси шоир ижодий меросини ўрганишда жуда муҳим ҳисобланади. У тўлиқ девон шаклида ҳам эмас, лекин шу манбанинг айрим саҳифаларида Бобурнинг тузатма-тахрирлари ва унинг ўз ёзуви (автографи) бор. Буни эса кўләзманинг дастлабки саҳифасида Байрамхон ҳамда охириги варақ ҳошиясида Шоҳ Жаҳон (Бобурнинг авлоди) тасдиқлайди. Бундан бошқа бирорта Бобур дастхати маълум эмас. Унда

*Ҳар вақтқи, кўрсасен менинг сўзумни
Сўзумни ўқиб сонингасен ўзумни...*

мисраларини муаллиф ўғли Ҳумоюнга атаб ёзиб қўйган. Бу билан Бобур мир-

зо фарзанди ҳар сафар шу битикларни кўрганга отасини эслаши ва айни дамда унга бағишлаб ёзилган асарларида васф этган улуг ғояларни ўз ҳаётига сингдириши кераклигини уқтирмоқчи бўлади.

Маълумки, Бобур асарларини тор манфаатлар ҳамда шахсий омилар учунгина битмаган. Унинг асарларидаги бош ғоя фарзанд камоли, миллат ва Ватан равнақиға қаратилган.

Улуг аждодимиз ўта иқтидорли ҳамда салоҳиятли ижодкор бўлгани боис асарларида улкан истақларни мавзу сифатида акс эттирган ва уларни ўз бадийий жозибасига мувофиқ жанрлар қилиб кўрсата олган. Айтилик, "Вақоийеъ" ("Бобурнома") асари, бир қараганда, муаллифнинг хотиралари ҳамда шохиди бўлган тарихий воқеалар солномасидек туюлади. Бироқ унинг баъни, услуби, тили, воқеаларнинг тартибий жойлашуви, ёзилаётган ҳодисанинг кўлами, тавсифланаётган қаҳрамоннинг тасвири ва яна бошқа жиҳатлари эътиборга олинса, у тарихий-мемуар жанрдаги буткул оригинал (ўзига хос) асар эканлиги маълум бўлади.

Албатта, Бобур ижодиётидаги муаллиф шахсияти билан боғлиқ ўринлар барчани доимо ўзига жалб этиб келади. У қатъиятли, жасур ҳамда ҳақиқатпўй инсон бўлган. Худди шу жиҳатлар бу нодир шахснинг нафақат "Вақоийеъ"ида, балки бир қанча лирик шеърларида ҳам ўз аксини топган. Шундай асарларидан бири унинг 1528 йилда ёзилган "Қилиқтур" радиифли ғазалидир. Ғазал матлаъси шундай:

*Ғурбатта ул ой ҳажри
Мени пир қилиқтур,
Ҳажрон бала ғурбат манга
Тавсир қилиқтур.*

Яъни мусофирчиликнинг ғариблиғида

ўшал қамарсиймо (ой)нинг ҳажри шоирни қаритди. У ўзини жуда сабрли ва иродали ҳисоблардию, лекин ҳажрон ва ғурбатда ўтган йиллар унга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Ғазал мақтаси эса қуйидагича:

*Сендин бу қадар қолди йироқ,
Ўлмади Бобур,
Маъмур тут, эй ёр,
ки тақсир қилиқтур.*

Яъни Бобур шунга йил давомида сандан йироқларда қолмоқ ўлмади: эй ёр, уни маъмур тутгинки, худди шу иши сенинг олдинда айбдир.

Ҳўш, Бобуршоҳ бутун умри давомида интилиб, жангу жаддаларда шикоят кўрсатиб, фитнаю балоларни енгиб, дилдан қуйиб, эслаган ва охирида уэр сўраётган бу "ёр" ким бўлди экан?

Шубҳасиз, иймонли бир мўмин сифатида Бобур Мирзо Тангри таоло висолидан ноумид бўлмаган ва уни кўп васф этган. Қолаверса, реал маҳбубага қарата битилган ошиқона тизмалари ҳам кўп. Лекин юқорида зикри кетган шеърдаги "ҳажри пир" қилган "Ер"ни эса биз бу ўринда камоли қонуни билан — Ватан, дея оламыз. Бу эътироф, аҳир катта бир давлатнинг ҳукмдори ҳамда улуг ишларни амалга оширган шахс — Бобур мирзонинг кўнгил изҳори эмасми?! Фақат ўз-ўзига талабчан ва танқидий ёндашувчи одамгина бу тахлит "ёри" олади.

Демак, ижодкорнинг мавқеи ҳамда унинг улуг манфаатларини, аниқроқ айтганда, миллий ва умуминсоний ғояларни кўзда тутиб ижод этган битиклари бир нуқтада бирлашганда чин маънодаги жаҳоний тамаддунга ҳисса бўла оладиган асарлар пайдо бўлишини Бобур каби буюк шахслар ижодиёти орқали кўришимиз мумкин.

Отабек ЖўРАБОВ,
ЎзРФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, филологик фанлари номзоди, доцент.